

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 811.512.133

Хамраева Хулкар Хамидуллаевна

**ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ ПУБЛИЦИСТИКАСИНИНГ ТИЛИ ВА
УСЛУБИ**

10.02.01 – Ўзбек тили

Филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим
этилган диссертация

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2012

Тадқиқот Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги
кафедрасида бажарилган

Илмий раҳбар -

филология фанлари доктори, профессор

САЙФУЛЛАЕВА Раъно Рауфовна

Расмий оппонентлар :

филология фанлари доктори, профессор

РАСУЛОВ Равшанхўжа

филология фанлари номзоди

КЕЛДИЁРОВА Гулчехра Сайдиевна

Етакчи муассаса -

Бухоро давлат университети

Диссертация ҳимояси 2012 йил _____ куни соат 14.00 да
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил
ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК.015.04.02 рақамли фан доктори илмий
даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган
кенгашнинг мажлисида ўтказилади.

Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, И.Мўминов кўчаси, 9-уй.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг
Асосий кутубхонасида танишиш мумкин. Манзил: 100170, Тошкент шаҳри,
И.Мўминов кўчаси, 13-уй.

Автореферат 2012 йил «__» _____ да тарқатилди.

**Ихтисослашган кенгаш илмий
котиби, филология фанлари номзоди**

Д.ХУДАЙБЕРГАНОВА

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Озод Шарафиддинов – замонавий ўзбек танқидчилигининг ёрқин намояндаси, атоқли жамоат арбоби, моҳир сўз санъаткори. Олимнинг серқирра ижоди ижтимоий-фалсафий, лингвистик, лингвоуслубий нуқтаи назардан ўрганилишга лойиқ моҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Мухтарам Юртбошимиз: “Унинг фақатгина илмий-педагогик фаолият билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-маънавий соҳада ҳам беқиёс фаоллик кўрсатгани олимга бўлган ҳурматимни янада зиёда қилди”¹, - дея адибга юксак баҳо берган эдилар.

Олимнинг ўткир фалсафий қийматга эга ва танқидчиликнинг юксак намунаси бўлган асарлари, бадиий таржималари, поэтика ва тил ҳақидаги сермазмун мақолаларини ўқиган китобхон ҳайратга тушади. Озод Шарафиддиновнинг қаламида она тилимиз хазинасидаги ҳар бир сўз янгидан-янги имкониятларини намоён қилади, беқиёс фалсафий мазмун ва моҳият касб этади. Филология фанлари доктори, профессор Б. Каримов тўғри таъкидлаганидек: “Озод Шарафиддинов ўзбек тилининг ҳам жонкуяри эди. Фикрини оғзаки тилда равон баён қилганидек, ёзма тили, услуби ҳам, ёзган барча асарларининг тили ҳам ниҳоятда жозибали эди. Тил тўғрисида қатор махсус мақолалар ёзган устознинг айна фазилати бошқа кўпгина олимларга ўрناк бўларлиқдир”². Айтилганлар олим публицистикасини турли лингвистик аспектда ўрганиш зарурлигини тақозо қилади. Адиб публицистикаси тили ва услубини илмий тадқиқ қилиш эса бу борада бажариладиган ишларнинг дебочаси бўлмоғи лозим. Бу ҳолат диссертация мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тил лисоний имкониятининг маълум бир адиб ижодида воқеланиш хусусияти тадқиқотчилар томонидан ҳар хил аспектда турли методологик ва методик асосда ўрганиб келинмоқда. Буни ўзбек тилшунослигида бадиий асар тилининг лисоний хусусиятини ўрганиш³, тил бирлигининг лингвоуслубий⁴

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. –Б. 167.

² Каримов Б. Чин маънодаги фидойи. Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида.- Тошкент: O`ZBEKISTON, 2007. - Б. 218.

³ Назарова О. О языке произведений Хамзы Хакимзаде Ниязи: Автореф. дисс....канд. филол. наук. –Ташкент, 1944; Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишер Навои: Автореф. дисс....канд. филол. наук. –Ташкент, 1965; Рустамов А. Алишер Навоий асарлари тилининг фонетик ва морфологик хусусиятлари: Филол. фанлари докт. ...дисс. –Тошкент, 1969; Самадов К. Некоторые вопросы языкового мастерства Айбека: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1965; Бафоев Б. Сложные существительные в лирике Алишера Навои: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Ташкент, 1968; Шомаксудов А. Муқимий сатираларининг тили. – Тошкент, 1970; Чарыев Б. Некоторые вопросы лексики поэзии Г.Гуляма: Автореф. дисс....канд. филол. наук. –Ташкент, 1972; Каримов А. Лексико-семантические и стилистические особенности языка поэмы «Фархад и Ширин»: Автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1973; Ярыев Б. Язык поэзии Максуда Шайхзаде: Автореф. дисс....канд. филол. наук. –Ташкент, 1979; Махматмуратов Ш. Язык «Дивана» Хамзы Хакимзаде Ниязи: Автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1982; Каримов С. Язык и стиль произведений Зулфии: Автореф. дисс....канд. филол. наук. – Ташкент, 1983; Аширбоев С. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркиби ва маъно хусусиятлари: Филол. фанлари. докт. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1990; Абулхайров М. “Девони Мунис” тилининг лексик қатламлари: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 1996; Йўлдошев М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2000; Азимов И. Алишер Навоийнинг насрий асарларидаги содда гапларнинг таркибий ва маъно хусусиятлари: Филол.

хамда лингвобадий⁵ тадқиқи сифатида ажратиш мумкин. Бирок ўзбек адабий тили тараққиётига улкан ҳисса қўшган мунаққид ёки атоқли шахс ижоди, хусусан, унинг публицистикаси тили эса адабиётшунослик нуктаи назаридан маълум даражада ўрганилган бўлиб, ҳали мустақил ҳолдаги лингвистик тадқиқ манбаи бўлмаган. Бу ҳолат атоқли сўз санъаткори, ўзбек ижтимоий ва бадиий тафаккури ривожига муносиб ҳисса қўшган адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг монографик йўсинда махсус филологик тадқиқ манбаи сифатида ўрганилмаган публицистик нутқиға ҳам оид.

Диссертациянинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедрасида ўрганилаётган “Ўзбек тилининг субстанциал тадқиқи” муаммосининг таркибий қисмига дахлдор.

Тадқиқот мақсади. Диссертациянинг мақсади атоқли сўз санъаткори, жамоат арбоби, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарафиддинов публицистикасининг тили ва услубий ўзига хослигини тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Белгиланган мақсадга эришиш учун диссертация олдиға қуйидаги вазифалар қўйилди:

- публицистика тили ва услубини ўрганишнинг вазифа ва муаммоларини баён қилиш;
- Озод Шарафиддинов асарлари тилининг филологик тадқиқи масаласини ёритиш;
- Озод Шарафиддиновнинг бадиий асар тили ҳақидаги фикрларига илмий баҳо бериш;
- Озод Шарафиддиновнинг сўз қўллаш маҳоратини таҳлил этиш ва очиш;
- Озод Шарафиддинов публицистикасидаги образли ифодалар ҳақида илмий хулоса бериш;

фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2000; Сайидов Ё. Фитрат бадиий асарлари лексикаси: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2001; Раҳматов М. Алишер Навоийнинг насрий асарларида -чун боғловчили гапларнинг синтактик хусусиятлари: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2006 ва б.

⁴ Шоабдурахмонов Ш. “Равшан” достонининг тили ва стили: Филол. фанлари. докт. ...дисс. –Тошкент, 1949; Мамадов Х. Лексико-стилистические особенности художественной прозы Алишера Навои: Автореф. дисс. ...канд. филол. наук. –Тошкент, 1969; Чориев Т. Садриддин Айний публицистик асарларининг тили ва услуби (лексика ва фразеология): филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Самарқанд, 2004; Чориева З. Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги мактубларнинг луғавий-маъновий ва услубий хусусиятлари: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2006; Хасанов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикоялари тилининг бадииятини таъминловчи лексик-стилистик воситалар: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2011;

⁵ Мирзаев И. К. Проблемы лингвопоэтической интерпретации стихотворного текста: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. –Ташкент, 1991; Маҳмудов Н. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларининг лингвопоэтикасига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. 1987. - № 4; Мухаммаджонова Г. 80-йиллар охири ва 90-йиллар бошлари ўзбек шеърятининг лингвопоэтик тадқиқи: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2004; Хамидов З. Лексико-семантическое и лингвопоэтическое исследование языка «Лисан ат-тайр»: Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. –Ташкент, 1982; Йўлдошев М. М. Чўлпоннинг бадиий тил маҳорати: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2000; Ибрагимова Ф. Бадиий матнда эллипсис ва антиэллипсис: Филол. фанлари. номз. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2011.

- Озод Шарафиддинов публицистикасидаги тасвирий матннинг хусусиятларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Тадқиқ объекти - Озод Шарафиддинов публицистикаси. Тадқиқ предмети – олим публицистик асарларининг тили ва услуби. Тадқиқ материали сифатида эса «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» асарлари белгиланган.

Тадқиқот методлари. Тадқиқотнинг методологик асосини мустақиллик мафкураси, миллий ғоя ва миллий маънавиятга доир асарлар, диалектика категориялари ташкил этади. Тадқиқотда эса дифференциал-семантик, қиёслаш ва дистрибутив, тавсифлаш таҳлил методларидан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Озод Шарафиддинов ижоди турли аспектдаги адабиётшунослик ва тилшунослик йўналишларининг тадқиқ манбаи бўла олади.

2. Озод Шарафиддинов – танқидий ва публицистик ижоди билан ўзбек адабий тили тараққиётига муносиб ҳисса қўшган олим.

3. Озод Шарафиддинов публицистик нутқининг таъсирчанлиги олим идиолектининг ўзига хослигини кўрсатувчи асосий омилдир.

4. Озод Шарафиддинов публицистик услубининг равон ва жозибадорлиги унинг теран тафаккури ҳамда юксак лисоний диди билан белгиланади.

5. Озод Шарафиддинов тасвирий нутқида реал шахс ва жонли воқеликни ифодалаш бадиийлик касб этади.

6. Озод Шарафиддиновнинг матн яратиш маҳорати унинг публицистик асарларида яққол намоён бўлади.

Ишнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- публицистика тили ва услубини ўрганишнинг вазифа ҳамда муаммолари баён қилинди;

- илк бор Озод Шарафиддинов асарлари тилининг лингвоуслубий тадқиқи масаласи ёритилди;

- Озод Шарафиддиновнинг бадиий асар тили ҳақидаги фикрлари биринчи марта тадқиқ қилинди;

- Озод Шарафиддиновнинг ўзига хос сўз қўллаш маҳорати очилди;

- Озод Шарафиддинов публицистикасидаги образли ифодалар илмий тавсифланди;

- Озод Шарафиддиновнинг публицистик матн яратиш маҳорати илмий баҳоланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот Озод Шарафиддинов публицистикасини лингвопоэтик жиҳатдан ўрганишга ҳисса қўшади. Ишда қўлланган тадқиқ методлари ҳар қандай ижодкорнинг лисоний бирликлардан бадиий фойдаланиш имкониятларини ўрганишда самарали усул эканлигини асослайди ва тадқиқот шу соҳада келгусида бажарилажак ишлар учун назарий манба вазифасини ўтайди.

Тадқиқот Озод Шарафиддинов ижодини ўқитиш, таниқли сўз санъаткорлари идиолектини ўрганишга доир адабиётшунослик ва

тилшунослик фанлари бўйича ихтисослик таълими ҳамда танлама фанлар ташкил этиш, ижодкорнинг индивидуал услуби, нутқ маданияти ва поэтик лексика бўйича дарслик ҳамда қўлланмалар яратиш, шунингдек, ўзбек филологияси ҳамда нутқ маданияти ва нотиклик йўналишларида олиб бориладиган маъруза, амалий машғулотлар учун материал, оммавий ахборот воситалари ходимлари учун манба сифатида фойдаланишда амалий аҳамият касб этади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация натижаларидан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси факультети бакалавриат босқичи талабаларига “Ҳозирги ўзбек адабий тили”, “Лексикология”, “Стилистика”, “Нутқ маданияти асослари” фанлари ва магистратура босқичида “Матн тилшунослиги”, “Амалий тилшунослик” фанлари бўйича маъруза ҳамда амалий машғулотлар дарсларини олиб боришда фойдаланилмоқда.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Миллий университети ўзбек тилшунослиги кафедраси йиғилиши ва университет Илмий кенгаши томонидан (20.12.2008), шунингдек, ЎзР ФА ТАИ ҳузуридаги Тилшунослик бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашда тасдиқланган (26.06.2009). ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти ҳузуридаги ДК.015.04.02 рақамли фан доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Ихтисослашган кенгаш қошидаги илмий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган. (23.12.2011 йил, 8-баённома). Университет илмий тадқиқот режаларига киритилган. Тадқиқот мавзуси юзасидан ЎзДЖТУда ўтказилган “Истиқлол ва тил” мавзусидаги (Тошкент, 2005 йил), СамДУдаги “Стилистика ва прагматика” (Самарқанд, 2010 йил), ЎзМУда бўлиб ўтган “Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида” (Тошкент, 2011 йил) мавзуидаги илмий-назарий анжуманларда маърузалар билан қатнашилди.

Натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертациянинг асосий мазмуни ОАК эътироф этган илмий журналлар(2) ва турли хил тўпламларда эълон қилинган мақолаларда акс этган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 128 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг Кириш қисмида публицистик услуб, мустақиллик даври ўзбек публицистикасининг тил ва услуб хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Мазкур услуб тадқиқи билан шуғулланган олимларнинг фикрлари⁶, улар томонидан услубнинг назарий масалалари атрофлича

⁶ Абдурахмонов Ғ. Ўзбек адабий тилининг стилистик нормалари // Нутқ маданиятига оид масалалар. – Тошкент: Фан, 1973. – Б.51-55; Шомаксудов А.Ш. Ўзбек адабий тили стиллари ҳақида // Филологик тадқиқотлар / ТошДУ илмий асарлари, 376-чиқиши. – Тошкент: ТошДУ нашриёти, 1970. – Б.219-241; Кўчқортқоев И. Адабий тилнинг стилистик табақаланиши ва нутқ маданияти // Нутқ маданиятига оид

текширилгани, ўзбек публицистикасининг илк даври қайси мазмун, қайси мавзу ва ғояда бўлмасин, уларни умумлаштирган ҳолда маърифатпарварлик ва тараққиёт; миллий озодлик кураши; инқилобий кураш; жаҳон муҳорабаси каби мавзуларга ажратиб таҳлил қилиш мумкинлиги ўрганилди. Истиқлол даври ўзбек публицистикасининг тили ва услубий хусусиятлари ҳақида фикр юритилиб, “плакат”чиликдан жонли ҳаётга яқинлашиш давр публицистикасининг асосий белгиси эканлиги таъкидланган. Бу услубга кўплаб ижтимоий-сиёсий маъно ва мазмунли бирликларнинг хослиги, уларда мустақиллик дунёқарашининг долзарб масалаларини ифодалаш, ёт мафкура тушунчаларини инкор этиш имконияти мавжудлиги қайд қилинган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Озод Шарафиддинов ва тил бадиияти”** деб номланган бўлиб, уч қисмдан иборат. Биринчи қисми **“О.Шарафиддинов ижодида публицистик йўналиш”** бўлиб, унда адиб публицистикасидаги асосий йўналишлар тасниф қилинган. Атоқли олимларнинг эътирофи этишича, “...у сўз очган ҳар бир мавзусини яхши билади, моҳиятини теран англайди, ҳамиша зарур ва асосли хулосалар чиқаради, соҳасига доир кенг ва чуқур билим, ёндош соҳалардан хабардорлик, табиатидаги тантилиқ ва жўмардлик, айтиш пайтда ҳар бир фикр-мулоҳазасида ярқираб турадиган адолат туйғуси унинг чиқишларига алоҳида бир кўрк ва жозоба бағишлайди”⁷. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири А.Орипов тўғри таъкидлаганидек, “Биз агар адабиётимиз тарихи ўзанидан туриб, яқин юз йилликка назар ташласак, жуда кўп сонли қаламкашларнинг номларига кўзимиз тушади. Улардан ҳеч бири хизматларини сира ҳам камситмаган ҳолда, айтиш мумкинки, кейинги эллик йил ичида фаолият кўрсатган адабиётшунослар, публицистлар силсиласида Озод Шарафиддиновнинг номи алоҳида чўкки янглиғ кўзга ташланиб турибди”⁸.

Мунаққид ҳаётининг сўнгги йилларида асосан публицист сифатида фаолият кўрсатди. Дунёқарашлар алмашинаётган, ижтимоий муносабатлар ўзгараётган, иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатлари тубдан ислоҳ қилинаётган, янги мулкчилик муносабатлари шаклланаётган даврда Озод Шарафиддиновдек шижоатли, ҳалол ва исёнкор шахс публицистикага қўл урмаслиги мумкин эмас эди. У эсселар ижод қила бошлади ва эссенависликнинг юксак намуналарини яратди. Адиб публицистикасидаги асосий йўналишларни қуйидагича тасниф қилиш мумкин: а) тарихий шахслар ҳақидаги мақолалар ва эсселар; б) ижтимоий ва ижтимоий-сиёсий масалалар ҳақидаги мақолалар ва эсселар; в) адабий-бадиий муаммолар ҳақидаги мақолалар ва эсселар.

“О.Шарафиддинов публицистикаси тилининг ўзига хос хусусиятлари” деб номланган иккинчи қисмда адиб публицистик асарлари

масалалар. –Тошкент: Фан, 1973. –Б.108-112.; Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. –Тошкент: Фан, 1984.

⁷ Қосимов Б. Адолат манфаати. Озод Шарафиддинов замондошлар хотирасида. –Тошкент: O‘ZBEKISTON. 2007 –Б.51-52..

⁸ Орипов А. Юксакка чорловчи эътиқод. Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида. –Тошкент: O‘ZBEKISTON, 2007. – Б. 3.

бадий публицистиканинг нодир намунаси сифатида баҳоланган. Озод Шарафиддинов публицистикасини бадий публицистиканинг нодир намунаси сифатида баҳолаш мумкин. Чунки "...уларда устоздаги илмий-танқидий тафаккур билан бадий истеъдод ўзига хос тарзда туташиб кетган"⁹ ва бу адиб публицистикаси нутқининг ширалилигини, жонлилиги ва жозибадорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Озод Шарафиддинов ижоди билан қизиққан олимлар унинг илмий мушоҳадаси ва бадий тафаккурининг кенглиги, фалсафий қарашларларининг теранлиги каби қатор фазилатлари ҳақида фикр билдиришган-у, бироқ унинг ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган даражада ўхшаш бўлган оғзаки ва ёзма нутқининг ўзига хос хусусиятлари асосан эътибордан четда қолган ёки кам эътибор берилган. Ҳолбуки, ижтимоий тафаккур шакли тил бўлса, индивидуал тафаккур шакли нутқдир.¹⁰ А.Расуловнинг фикрича, "Олим ижодидаги муҳим бир хусусиятни таъкидлаш керак. У ким, нима ҳақда ёзмасин мавзунинг илдизини топишга, моҳиятини юзага чиқаришга интилди. Бу эса ҳақиқатни рўй-рост юзага чиқаришни тақозо этди. "Шундай шоир ўтган эди", "Хаёллар бандаси", "Зикриё Мирҳожиев жумбоғи", "Тил илмининг дарғаси", "Ғайратий ҳақида сўз", "Бир нутқ тарихи" сингари этюдлар, эсселар шу жихати билан қадрли."¹¹

Озод Шарафиддинов публицистикаси тилининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида сўз кетар экан, оддийлик, сўзлашув ва бадий услуб уйғунлиги, ихчамлик, ифодавийлик, ҳаққонийлик, образлилик каби сифатлар бу ўзига хосликни таъминловчи узвий яхлитлик сифатида намоён бўлади. Бироқ айтилганларнинг ўзи ҳам моҳир публицист ва закий сўз санъаткорининг индивидуал нутқи ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилиш учун етарли, деб ўйлаймиз.

Олимнинг публицистик мақолаларидан бир нечтаси бевосита она тилимиз аҳволи, унинг жонкуярлари, равнақи ва бу соҳадаги муаммолар хусусида. Адибнинг она тилимиз ҳақидаги қарашлари тўғрисида гапирилганда, уни умумий мазмуни ва йўналишларига кўра қуйидагича таснифлаш мумкин: а) она тилимиз нафосати ва бойлиги ҳақидаги фикрлар; б) она тилимиз фидойилари ва тадқиқотчилари ҳақидаги фикрлар; в) она тилимиз тадқиқидаги муаммолар ҳақидаги фикрлар; г) она тилимиз таълимидаги муаммолар ҳақида; д) сўз қўллаш билан боғлиқ муаммолар ҳақидаги фикрлар.

Учинчи қисм **"О.Шарафиддиновнинг тил ҳақидаги қарашлари"** деб номланади. Унда публицистнинг ўзига хос теранлиги, мантиқийлиги ва илмий асослилиги билан ажралиб турадиган **она тилимиз нафосати** ҳақидаги фикрлари тадқиқ қилинади. Бунга доир ўз мулоҳазаларини олим

⁹ Норматов У. Ижод ва шижоат. Сўз боши ўрнида // Ижодни англаш бахти. – Тошкент. Шарқ, 2004. – Б.11.

¹⁰ Чесноков П.В. Основные единицы языка и мышления. – Ростов н/Д.: Книж. изд., 1966. – С. 287.; Чесноков П.В. Слово и соответствующая ему единица мышления. – М.: Просвещение, 1967. – С. 192.; Чесноков П.В. О взаимосоответствии формальных типов языковых и логических построений // Язык и мышление. – М., 1967. – С. 312.

¹¹ Расулов А. Ҳақиқатпараст. Озод Шарафиддинов замондошлари хотирасида. Тошкент: O'ZBEKISTON, 2007, - Б. 100.

қуйидагича ифодалайди: «Мана, биргина «қарамоқ» сўзини олиб кўрайлик, ўнлаб унга яқин, маънодош сўзлар бор — улар, асосан, бир хил маънони англатган ҳолда, ҳар гал шу маънонинг бирор жиҳатини, бирор қатламини, бирор ҳолатини таъкидлаб кўрсатади: тикилмоқ, разм солмоқ, бақраймоқ, алангламоқ, ўқраймоқ, мўлтирамоқ, саросаб солмоқ, қарамоқ ва яна мен билмаган ёки ҳозир эсимга келмаган ўнлаб сўзлар... Буларнинг ҳар қайсисидан ўз ўрнида билиб фойдалансангиз, шу тузган жумла шунчаки бирор маънони ифодалаб қўя қолмайди, балки камалак ранглари билан товланади, гўзаллиги билан сизни маст қилади. Ахир, шундай гўзалликлардан ҳузурланмай, фахрланмай бўладими?».¹² *

Сўз руҳини ўз руҳияти билан идрок ила уйғунлаштира оладиган буюк санъаткорлар каби тилга нисбатан айрим эътиборсизликларга бефарқлик олимга ёт. Шунинг учун сўз қўллашдаги ноқисликлар, тилга эътиборсизликлар ҳақида адиб куюниб ёзади. Афоризм каби янграйдиган қуйидаги жумлалар фикримиз далилидир: «... тилга лоқайд қарайдиганлар, ўз саводсизликларини яширмай, тилга зўравонлик қиладиганлар қанча кўпайса, тилимизнинг ғализлиги шунча ортади, у ҳам араванинг ёғсираган ғилдирагидай ғижирлаб қолади» («Довондаги ўйлар», 272-бет); «Лекин, афсуски, амалиётда биз кўп ҳолларда тилимизга беписанд қарашни кўрамыз. Гапирганда ёки ёзганда ўзимизни назорат қилмаймиз, ўзимизнинг тилимизни ўзимиз ҳис қилмаймиз, унинг ички оҳангларига қулоқ тутиб кўрмаймиз, балки жилови устига ташлаб қўйилган отдай майсаси кўпроқ кўринган ўтлоққа кириб кетаверамиз» («Довондаги ўйлар», 272-бет); «Ахён-ахёнда саҳрода адашган ёлғиз йўловчининг фарёдидек бирор-бир одамнинг зорланиши эшитилиб қолмаса, тилдаги бу салбий тамойиллар ҳеч кимнинг парвойига келмайдигандек туюлади» («Довондаги ўйлар», 253-бет); «Натижада шунақа алмойи-жалмойи иборалар, бесўнақай жумлалар пайдо бўладики, улар бирлашиб, «саводсизлик бўстони»ни майдонга келтирадилар» («Довондаги ўйлар», 276-бет); «Менимча, бу иборанинг маъносини чақиш бўйича республика танлови ўтказилса ҳам, бирорта одам биринчи тугул, учинчи ўринни ҳам ололмайди» («Довондаги ўйлар», 276-бет). Бу таъкидлар она тилига эътиқод қўйган соҳиби тилнинг бетакрор фикрларидир.

Тилшуносликка доир ўткир муаммолар ҳам олим нигоҳидан четда қолмайди. Озод Шарафиддинов атамашунослик, лексикология, луғатчилик соҳасидаги ечимини кутаётган масалаларни қайта-қайта таъкидлайди. Масалан, олимнинг атамашунослик ҳақидаги фикрлари маърифий аҳамиятга эга бўлиб («Довондаги ўйлар», 270-бет), улар бугунги кунда тилшуносликда кўрилаётган айрим «долзарб» муаммоларга қараганда ўткирлиги ва жонлилиги билан характерланади. Зеро, «кўп ҳолларда энг оддий, энг бирламчи савод етишмайди, эга билан кесим, қаратқич билан тушум келишиги фарқланмайди, қўшма гаплар тузишда пала-партишлик бор,

¹² Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. Т.: Маънавият, 2004. –Б.269.

• Кейинги саҳифаларда асар номи ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

услуганинг нозик жиҳатларига сира эътибор берилмайди» («Довондаги ўйлар», 259-бет).

Озод Шарафиддинов **она тилимиз тадқиқотчилари, тарғиботчилари, жонкуярлари** ҳақида ҳам қимматли мулоҳазаларини билдирган. Унинг «Тил илмининг дарғаси», «Тилда ҳикмат кўп», «Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам», «Навоий сабоқлари», «Отажон Ҳошимов шахсияти. Тақдири. Ижоди» сарлавҳали мақолаларида долзарб мавзулар кўтарилган.

Тил сиёсатида мавжуд сўзларни янгисига алмаштириш масаласи ҳар доим бўлган ва унда зўрма-зўракилик ҳеч қачон ўзини оқламаган. Бу масалада ўзини шу жамиятнинг онгли ва масъул фуқароси сифатида ҳис этган публицист ўз нуқтаи назарини дадиллик билан билдиради. «...таклиф қилинаётган «янги» сўзларнинг кўпчилиги туркий эмас, арабий ёки форсий бўлса, яъни бир хорижий сўз бошқа хорижий сўз билан алмаштирилса. Хўш, ўша кезларда таклиф қилинган бир қатор сўзлар тилимизда ўзлашиб қолди ҳам дейлик. Лекин орадан ҳеч қанча ўтмай, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан илгари мутлақо истеъмолда бўлмаган сўзлар кириб кела бошлади-ку? ...Ахир, буларнинг йўлига тўсик қўйиб бўлмайди-ку!» («Довондаги ўйлар», 271-бет)

Олим ўзбек тилининг ҳақиқий фидойилари сифатида Ўзбекистон халқ ёзувчилари А.Қаҳҳор, О.Ёкубов, П.Қодиров, Ўзбекистон халқ шоири Э.Воҳидов, таниқли шифокор Ш.Хўжаев, Ўзбекистон халқ ҳофизи Ориф Алимахсумов, моҳир таржимашунос Ғайбулла ас-Салом, атоқли тилшунослар А.Ғуломов, С.Иброҳимовларнинг хизматларини алоҳида таъкидлайди ҳамда уларнинг тил ҳақидаги қарашларига, тилдан фойдаланиш маҳоратига юксак эҳтиром билан муносабатда бўлади.

Кўринадикки, публицист тил ва тилшуносликнинг нозик масалаларини теран тушунгани ҳолда, бу борада «оқни қорадан ажратиш»да чин мутахассислар каби фикр юритади. Улар фикрларини журъат билан тафаккур тарозисида ўлчай олади.

Тил таълими масаласи нафақат тил ва таълимнинг, балки давлатнинг устувор ижтимоий-сиёсий йўналишларидан биридир. Ўзбек тилшунослиги ва она тили таълимида бу масалага турлича ёндашувлар кузатилади. Публицист тил, тилшунослик, тил таълими ҳақида ўз фикрларини баён этар экан, бунда тил таълими ўқувчини тил имкониятларини эгаллашга йўналтиришига ишора қилади. Озод Шарафиддинов “Она тилим – ифтихорим, инжа ганжинам” мақоласида қатъий таъкидлайди: “... бу ишда биринчи ва энг катта ёрдамни мактаб бермоғи керак. Фақат она тили ва адабиёт ўқитувчисигина эмас, бошқа ҳамма ўқитувчилар ҳам она тилининг шайдоси бўлганлари ҳолда, қайси фандан дарс беришларидан қатъий назар болаларга шу шайдоликларини юктира билмоқлари керак. Бунинг учун физика ёки жуғрофия ўқитувчиси ўз дарсини она тили дарсига айлантириб юбориши керак эмас, балки ўз фанининг материалларидан ҳам фойдаланиб, тилимизнинг тароватини амалда кўрсатиб берсалар кифоя” («Довондаги ўйлар», 278-бет). Бу фикрлар бугунги кунда оммалашаётган, тил таълимида унинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қиладиган прагматик йўналиш

қарор топаётган бир шароитда ўта муҳим. Зеро, тил қурилишини эмас, балки тил имкониятини эгаллаш ҳаётий эҳтиёжга айланиб бормоқда.¹³

“Озод Шарафиддинов публицистикаси тилининг лексик-фразеологик хусусиятлари” деб номланган иккинчи бобда адиб публицистикаси тилига хос лексик ва фразеологик хусусиятлар ҳақида сўз боради.

Асар тилини, ижодкорнинг тил ва услуб маҳоратини ўрганиш турли услубларда турлича олиб борилади. Масалан, бадиий услубда адиб борлиққа муносабатини билвосита, яъни танланган образлар орқали ифода қилса, публицистикада муаллиф бевосита муносабат билдирувчи сифатида намоён бўлади.¹⁴ Бу публицистик услубнинг икки: а) информатив; б) экспрессив хусусияти билан характерланади.

Публицистик асар тилини тадқиқ қилишда тилшунослар турли таснифий ва тавсифий тамойилларга таянадилар. Масалан, ўзбек тили публицистик услубини илк бор монографик планда ўрганган Т.Қурбонов таҳлил жараёнида стилистик ва статистик усулларга таянган ҳолда публицистик нутқда намоён бўлувчи лингвистик, интралингвистик ва экстралингвистик омилларга боғлиқ равишда лексик воситалар танланишига эътибор қаратади. Олимнинг таъкидича, публицистик услуб лексик структураси шаклланишида омил ва воситаларни фарқлаш муҳим.¹⁵ Бундай омил иккита: а) информатив омил; б) экспрессив омил. Шунга кўра, лексик воситаларни қуйидагича уч гуруҳга бўлиш анъанаси мавжуд: а) концептуал лексика; б) эмоционал лексика; в) бетараф лексика.¹⁶

Албатта, бу публицистик услубга мансуб асар жанр хусусияти билан ҳам белгиланади. Масалан, эссе типдаги асарнинг мавзусига қараб, унинг лексик хусусиятлари сиёсий мавзудаги публицистик асардагидан кескин фарқланади. Концептуал лексика таркибида сиёсий жанрда ижтимоий-сиёсий лексика устуворлашса, эсседа бадиий, ижтимоий-маиший лексика ва маънавиятга дахлдор бирликлар кўпроқ учрайди. Публицист Озод Шарафиддиновнинг тадқиқ манбаи сифатида танланган эссе ва мақолалари сўзлашув, бадиий услублар қоришувининг устуворлиги, ижтимоий лексиканинг фаоллиги билан характерланади. Бироқ, барибир, публицистик услубнинг лексик ўзига хосликлари орасида услубий воситаларнинг қатъий ҳар хиллигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Озод Шарафиддинов қайси мавзуда қалам тебратмасин, унинг публицистик тили лексикасида адабий тил лексикасининг илмий терминлари, эмоционал бўёқдор сўзлари, стандартлашган ва тил экспрессив бирликларининг уйғун қўлланишидан тортиб кундалик сўзлашув нутқида хос бирликларнинг кенг қамровли воқеланишигача кўриш мумкин. Публицист кўп ҳолларда адабий меъёр сарҳадларидан чиқиб кетади. Бу шу даражагача

¹³Бу ҳақда қаранг: Менглиев Б., Сайфуллаева Р., Маматов А. Миллий тилшунослик мустақил ривожланиш йўлида // Маърифат, 2008 йил, 21 май.

¹⁴Хавин П.Я. Очерки русской стилистики. –Л.:Изд-во Ленинградского университета, 1964. – С. 10.

¹⁵Қурбанов Т.И. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси. - Б. 11.

¹⁶Қурбанов Т.И. Кўрсатилган номзодлик диссертацияси.

борадики, адиб баъзан жаргонлар, арготик бирликларни ҳам қўллайди. Масалан, бунга ноадабий қатламга мансуб *сўтак* сўзининг адиб публицистикасидаги қўлланишлари мисолида амин бўлиш мумкин. Албатта, буни публицистик услубга оид эссе жанрининг хусусиятлари билан оқлаш мумкин. Публицистик услубнинг ахборот, маъруза ва бошқа қатор лингвистик стандартлашган кўринишлари бундай ёндашишдан узоқда туради. Тилшунос И.Р.Гальпериннинг таъкидича, «...эссе тили мақола ва докладларнинг тилидан фарқланади. Эссе, одатда, биринчи шахс томонидан битилади. Бу эса унга баён қилинаётган далилни жуда ҳам индивидуал ва эмоционал баҳолаш, баённинг ўзини бўёқларга бойитиб, ранго-ранглик бахш этиш имконини беради. Кўпинча суҳбат усули қўлланади. Баъзан хат усули маъқул топилади.»¹⁷. Бу эса лексиканинг ранг-баранглашувини таъминлайди. Умуман олганда, қисқалик эссенинг бош белгиларидан бўлиб, Озод Шарафиддинов публицистикаси ўзининг типик хусусиятларига эга бўлгани ҳолда гоҳ илмий прозага, гоҳ бадиий нутқ услубига яқинлашиб кетади.

Сўзлашув нутқи лексикаси. Айтилганидек, Озод Шарафиддинов публицистикаси лексикасининг ўзига хос хусусиятларидан бири сўзлашув услубига хос сўзлардан ўринли ва унумли фойдаланишдир. Мисолларга мурожаат қиламиз. *Тинчгина, бақрайиб турибман, тўполон бўлиб кетди, енгиллашдим, кўргилик, эплеймиз, тушмагур, махлуқ, тили чучук, сафсата, яратганга шукур, эс, чориқ, дов-дастгоҳ, дабдаба-ю асъаса, ийиб кетмоқ, бақирши, анграймасдан, аблах, муттаҳам, чапараста, жинқарчадай.* Бу бирликларнинг айримлари сўз кетаётган шахс тилидан айтилса, аксарияти публицистнинг ўз нутқиға хос. Сўзлашув нутқиға хос бу бирликлар, биринчидан, воқелик ҳақида холис хабар узатса, иккинчидан, сўзловчининг субъектив муносабатини баён қилиш, қолаверса, тингловчига экспрессив таъсир этиш вазифасини бажарган. Мисол сифатида *тирнамоқ* сўзининг публицист нутқида қўлланган ҳолатига эътибор берайлик. «*Шуларни ўйлар эканман, юрагимни яна бир бошқа савол **тирнайд**и – нечук, қандай қилиб, тақдирнинг қайси ёзуғи вазидан бутун қишлоқ аҳли бирваракайига қулга айланиб қолди*» («Довондаги ўйлар», 95-бет). *Тирнайд*и сўзи қийнамоқ лексемасининг нутқий, контекстуал маънодошидир. Лекин қийнамоқ публицист қалб туғёнларини очиб беришда *тирнамоқ* феъли олдида анча ожиз. Метафоризация *тирнамоқ* феълига ана шундай муваққат қудрат бахш этган. Борди-ю, сўзнинг ушбу нутқий маъноси барқарорлашса, ундаги бундай таъсир кучи сусайиши аниқ. Шунингдек, қийнамоқ сўзи савол сўзи билан биргаликда кўпроқ мияга нисбатан қўлланади (*миямни қийнади, мени қийнади*), шунинг учун ижодкор ушбу ўринда *тирнамоқ* феълининг коннотатив маъно асосидаги кўчимидан, унинг *юрақ* сўзига мутаносиблигидан унумли фойдаланган.

О.Шарафиддинов публицистикасида икки марта қўлланган, сўзлашувга мансуб *дигоним-дигон* сўзининг семантик, услубий ва эмоционал-экспрессив хусусияти ўзига хос. Публицист устози Абдулла Қаҳҳор, унинг феъл-атвори,

¹⁷<http://www.my-english.org.ua/galperin/essay.htm>

оиласига муносабати хусусида сўз юритар экан, ушбу иборасимон бирликни ўрнини топиб ишлатади: “У бирон марта ҳам дигоним-дигоним деб оёқ тираб олган эмас” (“Ижодни англаш бахти”, 334-бет).

Адиб кишилар нутқини беришда ҳам табиийлик ва мантикийликни таъминлаш баробарида ўқувчини ишонтириш мақсадига мувофиқ сўзлашув нутқининг хос бирликларига юқори таъсирчанлик бахш этади. Қуйида бериладиган кичик парчада бунинг ёрқин намунасини кўрамиз: *«Вой, шумшаймай ўлсин эринг. Гапи оғзидан чиқиши билан ёқасига ёпиштирмадингми? Лалайиб ўтиравердингми? Ҳаммаёқни бошингга кўтариб, фарёд солмадингми? Бўпти, ўтир бу ёққа. Менинг кўчада қолган қизим йўқ. Худоё, қизимнинг уволи тутсин у яшиамагурни!»* («Довондаги ўйлар», 237-бет). Албатта, она қарғаётганда публицист ён дафтарини олиб бу сўзларни ёзиб ўтирмагандир. Бироқ нутқининг жонлилиги ва табиийлиги шундаки, у беихтиёр қулоғингиз тагида «жаранглагандай» бўлади. Ундаги сўзлашувга хос ҳар бир сўз кучли экспрессивлиги билан шундай қудрат касб этади.

Озод Шарафиддинов киноя асосида буткул китобийлик белгисига эга бўлган айрим бирликларга «сўзлашувга хослик» муваққат белгисини бахш этади. Натижада бирлик эмоционал-экспрессивлик бўёғига эга бўлади: *«Қарабсизки, шунчаки дарз кетган муносабатлар қайнонасининг «саъй-ҳаракатлари» билан бир зумда тарс ёрилади-кетади ва уларни қайтадан ёпиштириш жуда-жуда қийин кечади»* («Довондаги ўйлар», 237-бет)..

Сўзлашув услубига хос айрим сўз ўзининг кўчма маъносида адиб қалами ихтиёрида кучли нафрат ифодаловчиси сифатида юзага чиқади. Масалан, у *ювуқсиз* сўзини «виждонсиз», «имонсиз» маъноларида қўллайди, бунда унинг асл маъносидаги бош семаси («ғусл қилмаган»)га таяниб иш кўради.

Кўринадики, Озод Шарафиддинов сўзлашув услубига хос сўзларни ўрни билан қўллаб, уларни публицистик мақсадига бўйсундиради, сўзлашувда юзага чиқмайдиган экспрессивлик бахш этади. Айрим китобий услубга хос бирликларга ҳам «сўзлашувга хос» нутқий маъно бўёғини бериб, бетараф ифода семасини кучайтириб, нутқий релевантлик даражасига олиб чиқади.

Қўлланиши чегараланган сўзлар. Озод Шарафиддинов публицистикасида бу сўзларнинг қўлланиш даражаси ўзига хос бўлиб, уларнинг нутқий воқеланишида адибнинг маҳорати алоҳида аҳамият касб этган. Улар баъзан воқеликни тўғри акс эттириш, давр ва ҳудуд руҳини яққол ифодалаш, шунингдек, ўқувчига эмоционал-экспрессив таъсир қилиш мақсадида истифода этилган. Қуйида биз уларни қўлланиш даври чегараланган сўзлар сифатида таҳлил қиламиз.

Қўлланиш даври чегараланган сўзлар. Публицист асарларида сўзларнинг қўлланиш даражасидаги фарқлар эскирган ва янги сўзлар мисолида ҳам кузатилади. Озод Шарафиддиновнинг эскирган сўзлардан ўз публицистик асарларида фойдаланиш даражаси ўзига хос. Адиб бундан қуйидаги мақсадни кўзлаган: а) фикрни таъсирчанроқ ифодалаш; б) ўтмиш воқелигини тўлақонли бериш; в) ўзганинг нутқини ўзгаришсиз узатиш. Кузатишлардан маълум бўлдики, адиб публицистикасида қўлланиш даври

ўтган таассуф, ҳақир, вивеска, чақув, пролетар, қатлиом, рутба, бозорбоши, тилмоч каби юзлаб сўзларни қўллар экан, ўша давр руҳини кўз олдимизда яққол намоён қилади. Уларнинг қўлланиш даражаси ҳам турлича. Масалан, “Довондаги ўйлар” ва “Ижодни англаш бахти” тўпламларидаги асарларда таассуф 14 марта, ҳақир 1 марта, чолишмоқ 1 марта, пролетар 70 марта, йўқсил 1 марта, қатлиом 23 марта, чақув 6 марта, рутба 10 марта ишлатилган.

Ижодкор публицистик нутқида қўлланиши чегараланган шойиста (шойисталик, ношойиста шаклида ҳам) сўзининг бир неча ўринларда ишлатилганига дуч келдик. Аниқроғи, бу сўз «Ижодни англаш бахти»да 7 ва «Довондаги ўйлар»да 9 марта қўлланган. Адиб ношойиста сўзини «номақбул», «ножоиз», шойисталик сўзини «очиқ кўнгиллилик», «самимият» каби маъноларга монанд бўлган ҳолатларда қўллаганлиги кузатилади: Бу ердаги **шойисталик**, очиқ муомала, теранлик мени бу уйнинг доимий аъзосига айлантирди. Мен жуда кўп гурунглар қатнашчиси бўлдим, Абдулла Қаҳҳорнинг бениҳоя ўткир зеҳни, зийрак, ҳозиржавоб, бағрикенг инсон эканини ўз кўзим билан кўрганман («Ижодни англаш бахти» 284-бет).

¹⁸ Унинг нутқи Рашидовни фош қилишдек **ношойиста** ишга бош-қош бўлганларнинг юзига урилган қаҳрли тарсаки бўлди («Ижодни англаш бахти» 469-бет)*. Умуман олганда, шойиста лексемаси ва бу лексема асос бўлган ҳосилаларни қўллашда Озод Шарафиддинов бошқа сўз санъаткорларидан алоҳида ажралиб туради. Бу сўзлар унинг нутқида анча фаоллашганлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Публицист ижодида қўлланиш даври чегараланган сўзлар сирасида неологизмлар ҳам мавжуд.

Неологизмлар воқеликдаги янгиликларни – турмушдаги, ижтимоий-сиёсий соҳадаги, маънавий-мафкуравий, илмий ёки адабий ҳаётдаги, умуман олганда, борлиқнинг инъикоси бўлган ижтимоий онгдаги янги тушунчаларни ифодаловчи лексик бирликлардир. Қуйидаги сўзлар публицист ижодида фаол қўлланган неологизмларга мисол бўла олади: *компьютер, интернет, бизнес, менежмент, биржа, контракт, конверсия, инвестиция, унификация, глобализм, терроризм, эскалация, универсализм, кредит, тест, балл, рейтинг, синов, истиқлол, ишбилармон, тадбиркор, фермер, савдогар, вазир, миллиардер-бизнесмен, манқурт, инфратузилма, коллеж, лицей, гимназия* ва ҳ. Бу сирани яна анча давом эттириш мумкин.

Ижтимоий фаол публицист ижодида ўтмиш, бугун ва келажак муштарак ва яхлит идрок этилганлиги, бугунги миллий ва глобал муаммоларнинг илдизлари ва ечими масаласида ўзига хос қарашлари бўлганлиги, шунингдек, давр билан ҳамоҳанг қадам ташлаганлиги сабабли адиб ижодида эскирган сўзлар ҳам, янги кириб келган ёки янги маъно касб этган сўзлар ҳам ўзига хос публицистик мақсад ифодаси сифатида ўрни билан, адабий тил меъёрлари ва услубига мувофиқ равишда қўлланилган.

¹⁸ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: “Шарк”, 2004. –Б.284.

• Кейинги ўринларда китоб номи ва саҳифаси қавс ичида кўрсатилади.

Озод Шарафиддинов публицистикасининг ўқишлилиги ва таъсирчанлигини таъминловчи воситалардан бири унда юксак маҳорат билан қўлланган барқарор бирлик (мақол ва ибора)лардир.

Иборалар. Ижодкор публицистик нуткида қўлланган иборалар ижобий ёки салбий бўёғи билан яққол ажралиб туради. Адиб ё ўз муносабатини, ёхуд тилга олинаётган шахс муносабатини ифодалаш мақсадида иборалардан фойдаланади. Масалан, ўзганинг муносабатини ифодалашда ҳам ўзининг ушбу «ўзга»га муносабати намоён бўлади. Дейлик, халқлар тарихида машъум хизматлари билан ном қолдирган большевикларга салбий муносабатини ифодалашда уларнинг ўз нуткидан фойдаланади. Матннинг олдинги қисмидаги *айқаш-уйқаш тақиб олган, қийғоч қўндириб олган, кайфдан зўрға оёқда турган, тортиб олишади* бирликлари адибнинг большевикларга муносабатини ифодаласа, **туёгингни шиқиллатиб қол** ибораси большевикларнинг ўз тили орқали ўзларини фош этиши, шу билан биргаликда, адибнинг салбий муносабати намоён бўлишидир.

Адиб ўз фикрларини баён этиш асносида иборалар воситасида ўзига муносабатини ҳам намоёйиш қилиб кетади. Масалан, *Лекин мен **ақлим етиб турган** баъзи бир гапларни баралла айтишни бурчим деб билдим* («Довондаги ўйлар», 163-бет). Шунингдек, ўзгалар нуткидан ҳам адибнинг ўзига муносабатини кўриш мумкин. Масалан, «Эътиқодимни нега ўзгартирдим?» эссесида Россия Коммунистик партиясининг раҳбари Геннадий Зюгановнинг нуткидан олинган *«Одам олтмиш ёшга кирганида чинакамига **кўзи очилиши** ва ўтмишини қаҳру ғазаб билан қоралаб, оёқости қилиши мумкинлигига унча **ақлим бовар қилмайди**»* («Довондаги ўйлар», 52-бет) жумласидан ҳам бунга аниқлаш мумкин. Натижада, ўз кечинмаларини шундай баён этади: *Эндиликда эса эътиқодимни ўзгартирганим учун Зюгановнинг даиноми ачиб турган ярага **туз сепгандай** бўлди* («Довондаги ўйлар», 52-бет). Бу ибора нутқ эгасининг ўша ҳолатини тўлақонли намоён эта олган.

Адиб ўз публицистикасида ачиниш, бефарқлик, ғазаб, нафрат каби муносабатларни ифодалашда ҳам ибораларнинг нозик маъно оттенкаларидан моҳирона фойдаланади. Масалан, Саида Зуннуновага муносабатида зиддиятли ҳолатлар кўзга ташланади. Гоҳ, ёшгина шоиранинг катъиятидан ҳайратга тушади, шунинг баробарида унга ачинади ҳамда Саида Зуннунованинг айбсиз эканлигини қалбан ҳис қилади. Бунда сўз ва иборалар тизими муносабатнинг салбийдан ижобийга ўсишини кўрсатади: *Саидаси **тушмагур** эса, ўзи **жинқарчадай** бўла туриб, «чиқадиган эрим йўқ, эрим гуноҳсиз» деб **оёқ тираб туриб олди**. Саидага ачинамиз — ҳар қалай, нима бўлганда ҳам ўзимизга ўхшаган толиба, турмушга чиқиб, ҳали бирор-бир рўшнолик кўргани йўқ, энди эса «ҳе» йўқ, «бе» йўқ, **боши очик қолса**, алам қилади-да* («Довондаги ўйлар», 60-бет). Бу *тушмагур, жинқарчадай* сўзлари, *оёқ тираб туриб олди, боши очик қолса* иборалари орқали берилган. Муаллифнинг таажжуби *жинқарча* сўзидаги салбий ифода бўёғи билан тасдиқланган бўлса, ижобий муносабат «эридан ажралмоқ» тушунчасининг ибора (*боши очик қолмоқ*) орқали эвфемик маъно сифатида воқеланишидир.

Озод Шарафиддинов айрим окказионал иборалар ҳам қўллайдики, бу унинг она тили имкониятларидан озиқланиш баробарида унинг бойишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшганлигидан далолат беради. Масалан, *тўрга чиқмоқ* иборасини олиб кўрайлик. Бу ибора ўзбек тилининг фразеологик луғатларидан ўрин олмаган. Лекин адиб уни ҳодисага салбий муносабатини ифодаловчи бирлик сифатида қўллайди: *Партиянинг ички ҳаётида ёлгоннинг тўрга чиқиши жамият орасида жуда кўп иллатларнинг томир отишига олиб келди* («Довондаги ўйлар», 72-бет).

Ўзбек тилининг фразеологик луғатида “ажалидан беш кун бурун” деган ибора қайд этилган ва бу бевақт ўлимни ифодалаш учун қўлланади.¹⁹ Озод Шарафиддинов буни эвфемик мақсад нуктаи назаридан бошқача шаклга киритади. Зеро, онага нисбатан бу иборани қўллаш мақбул эмас. Шунда у *ажал* сўзини *қисмат* сўзи билан алмаштиради ва салбий муносабат ифодалашга мойил ибора ижобий муносабат бўёғи билан юзага чиқади: *Аммо одамни қисматидан беш кун бурун бу дунё билан видолашувга мажбур қиладиган сабаблар ҳам кўп экан.* («Довондаги ўйлар», 75-бет).

Мақоллар. Озод Шарафиддиновнинг публицистик асарлари кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланганлиги туфайли унда халқоналик ва халқчилликни таъминлаш мақсадида халқ мақолларининг турли кўринишларидан фойдаланилади. Улар ирсоли масал санъатининг юксак намунаси бўлиб қолди. Публицистик баёнда фикрларнинг қувватловчиси, мустаҳкамловчиси, информативлик ва экспрессивликнинг яхлитлиги сифатида намоён бўлди. Адибнинг «Ижодни англаш бахти» ва «Довондаги ўйлар» публицистик асарлар тўплами кузатилганда, уларда 100дан ортиқ мақол қўллангани аниқланди. Бир нечта мақол ё муаллиф томонидан яратилган ёки муаллиф мавжуд мақолни айрим ўзгартириш киритиш билан қўллаган. Масалан, *Булбул тилини булбул билади* (варианти: *Қуш тилини қуш билади*) ёки *Сирти ялтироқнинг ичи қалтироқ* мақоли ўн бир ўринда (“Довондаги ўйлар”да 6 марта, “Ижодни англаш бахти”да 5 марта) турли кўринишда ишлатилади: 1. *Ҳоким тўралар Акбаралига ўхшаи ичи қалтироқ, усти ялтироқ* одамларнинг қўли билан дунёда ҳар нарсадан кўра ўз амалини яхши кўрадиган, амал йўлида виждон ва номус, иззат-нафс ва инсоний ғурурини сотиб юборишига тайёр турган кишиларнинг қўли билан халқ бошида тегирмон тоши юргизадилар, халқни сиқиб, қонини ичадилар (“Довондаги ўйлар”, 375-бет). 2. *Мен сувратим ялтироқ бўлса ҳам, сийратим қалтироқ экан дейманми* (“Довондаги ўйлар”, 428-бет). Мақоллар ҳам, ибораларда бўлгани каби, алоҳида образлиқка, бўёқдорлиқка эга эканлиги сабабли унда муаллифнинг ёки, умуман олганда, сўзловчи шахснинг воқелиқка ижобий ёки салбий муносабати намоён бўлади.

Тадқиқотнинг учинчи боби “Озод Шарафиддиновнинг публицистик матн яратиш маҳорати” деб номланган.

¹⁹Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг фразеологик луғати. – Тошкент: Қомуслар Бош таҳририяти, 1992. - Б. 18.

Тасвир матни бошқа матн турларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Лингвистик категория сифатида у борлиқ парчасини тавсифловчи лингвистик белгиларнинг изчил кетма-кетликдаги системавий синтезлашуви бўлса, адабиётшунослик категорияси сифатида бадиий-эстетик тушунча мақомида қаралади. Синчков сўз санъаткори Озод Шарафиддинов публицистик асарларида тасвир борасида ҳам ўзининг ноёб истеъдодини намоён қилган. У баёндан олдин воқелик хусусида теран фикр юритади, нарсанинг моҳиятига дахлдор жиҳатларига эътибор қаратади, онтологик белгиларини ажратади. Аммо тасвирнинг ибтидосида идрок ва фаҳм кўзи билан ходисани дақиқона кузатиш ётади. Бу адиб бадиий ва публицистик маҳоратининг белгиловчи хусусиятларидир.

Портрет тасвири масаласи доимо олимларни қизиқтириб келган²⁰, бироқ портрет тасвирий нутқи лингвистик категория сифатида нисбатан кам тадқиқ этилганлиги билан характерланади.

Тасвир ҳаққонийлиги ва унинг муаллиф эстетик ниятига мос йўналтирилиши асарнинг ҳаётийлигини таъминловчи бош мезон ҳисобланади. Шунинг учун тасвир асарда асосий ва ҳал қилувчи функцияни ўз зиммасига олади. Муаллифнинг тасвир усулига ва эстетик ниятига мувофиқ равишда ўқувчига бевосита тасвир объектининг маълум бир ҳолати ҳақида ахборот бериш, унинг туйғуларига таъсир қилиш, шунингдек, фикрлашга ундаш ва йўналтириш, мустақил равишда хулоса чиқаришга шароит яратиш вазифаси адо этилади.

Муаллиф инсон тасвирида унинг ташқи кўриниши, яъни юз тузилиши ва юз ҳолати, қомати, кийиниши, ўзини тутиши кабиларга эътибор қаратади. Тилнинг ички имкониятларидан – лексик бирликлар, иборалар, мақол ва маталлардан, морфологик шакллардан, маъно кўчириш усуллари ва турли ўхшатишлардан фойдаланади. Албатта, бунда ҳаққонийлик публицистиканинг бош тамойили сифатида етакчи ўринда турса-да, адиб ўрни билан ўзининг субъектив муносабатини билдиради. Адибнинг маҳорати инсон портретини беришда сўз қўллаш жараёнида алоҳида кўзга ташланади. Бунда у моҳиятни белгиловчи, масалага бевосита дахлдор хусусиятларга назар ташлайди: *“Жўра ака ҳозир Самарқанд дорилфунунининг профессори, республикамизда таниқли одамлардан бири. У киши ўша кезларда ҳам гавдали, думалоқ қоринлари ўзига ярашган, бошларидан иляпани қўймайдиган, қўйинги, жуда савлатли, аспирантдан кўра бирор обком секретарига кўпроқ ўхшаб кетадиган одам эдилар”* (“Ижодни англаш бахти”, 487-бет). Ўқувчига кучли таъсир қиладиган бундай гапларни ҳосил қилиш учун муаллиф сўз ва кенгайтирилган сўз бирикмалари (*гавдали, думалоқ, ...ярашган, бошларидан қўймайдиган, жуда савлатли, аспирантдан кўра, ...ўхшаб кетадиган*)дан фойдаланган. Шунингдек, бу матнда қўлланган кириш гап *қўйинги* ҳам тасвирни аниқроқ гавдалантиришга ёрдам беради.

²⁰ Расулов А. Портретчи маҳорати. Озод Шарафиддинов. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. – Б.89-123; Тагер Е.Б. Жанр литературного портрета в творчестве Горького. // О художественном мастерстве М.Горького. Издательство АН, 1960; Икромов О. Образлар характеристикасида портретнинг аҳамияти // Шарқ юлдузи-Тошкент, 1959. №2.-Б.65-71.

Тасвир икки қисмдан иборат: борлиқ ҳақиқати ва адибнинг субъектив муносабати. Матнда *гавдали, думалоқ, қорин* деган икки бирлик тасвирланувчи шахснинг физиономиясига дахлдор белгини ифодалаган. Буни кучайтирувчи бирлик сифатида *ўша кезларда ҳам* бирикмаси иштирок этиб, бу белги унга ёшлигида ҳам хос эканлигига ишора қилади. Тасвирнинг бу қисмидан шахснинг характери ҳақида аниқ бир маълумот уқилмайди. *Бошларидан шляпани қўймайдиган, жуда савлатли, обком секретарига ўхшаб кетадиган* бирикмалари буни муайянлаштиради. Демак, тасвирнинг бу парчаси шахс характери ни ёритади. Унинг ўзига бино қўйган, димоғдор, савлатидан от хуркадиган шахс эканлиги маълум бўлади. Аммо унинг характеридаги ижобий томонларини адибнинг “самимий қалами” яширмайди: *Табиати очик, феъли қувноқ, теварагидагилар билан бир зумда тил топишиб кетадиган, дунё тақдири ҳақида ҳар хил бўлар-бўлмас гаплардан кўра бир жуфт ҳазил- мутойиба, латифани афзал кўрадиганлардан эди*. Бу қисм олдинги қисмдаги ўзига *ярашган* бирлиги билан бирга муаллифнинг субъектив муносабатини ифодалашга хизмат қилган.

Адиб Жўра Ҳожиметов билан мулоқотда бўлган академик Сирождидиновнинг ички ва ташқи белгиларини ҳам мухтасар баён қилиш билан аниқ портрет чизади: *ўрта бўй, қора қош, қора кўзли, жуда хушмуомала, гоят одобли бир йигит*. Бу ерда икки шахс, икки манзара ва икки хил тасвир берилган. Тасвирларда кескин зидланувчи белгилар бор: *гавдали, қорин қўйган – ўрта бўй; табиати очик, феъли қувноқ, теварагидагилар билан бир зумда тил топишиб кетадиган, дунё тақдири ҳақида ҳар хил бўлар-бўлмас гаплардан кўра бир жуфт ҳазил- мутойиба, латифани афзал кўрадиган – жуда хушмуомала, гоят одобли*. Кейинги тафсилотлар эса буни тўлдиради: *Йигит чаққон туриб, чой дамлаб келипти*. Демак, йигит ориқ. *Қорин қўйган* бирлигига зид бу белги ҳам тасаввуримизни бойитади. Портрет тасвиридаги ушбу контрастлик эссенинг охиригача давом этиб, муаллиф ниятини амалга оширишдаги белгиловчи омил бўлиб қолади. Ташқи белгилардаги зидлик, характердаги қарама-қаршилик воқеанинг кейинги ривожига хизмат қилади ва, аксинча, кейинги тасвир олдингиларини тўлдиради: *Йигит кўзларига ёш кўриниб кетганми ёхуд унинг хушфеъллигини ўзидан улкан илм соҳибига мўтиёна эҳтиром деб қабул қилганларми, ҳар қалай, орадан кўп ўтмай, Жўра ака бояги йигитга иш буюрибдилар: - Қани, ука, катталарнинг хизматини қилсангиз яхши бўлади. Ажаб эмас, сиз ҳам бир кун эмас, бир кун бизга ўхшаб, илм соҳиб бўлиш даражасига етсангиз. Туринг, битта аччиқ чой дамлаб келинг-чи* (“Ижодни англаш бахти”, 488-бет).

Ушбу белгилар (ички ва ташқи)ни ифодалаш мақсадида адиб уюшиқ бўлакли содда гапларни қўллайди. Мана шу тасвирни тўлдириш учун эса уч қисмли қўшма гап, битта ўзга гап келтирилган ва шу ўзга гапнинг ўзи иккита қўшма ва битта содда гаплардан ташкил топган.

Публицистик тасвир бадиий тасвирдан фарқли ўлароқ портрет ва характер тасвирини бақамти беради. Чунки ҳужжатлилик тамойили

кўпинча тарихий шахслар ҳақида ўқувчининг ўзи хулоса чиқаришига йўл қўймайди. Масалан, юқорида бўлгани каби, шоир Ғайратий тасвирида ҳам буни яққол кўриш мумкин: *Олтимишлардан ошиб қолган, ўрта бўйли, чорпахил гавдали, очик қўнгилли одам экани кулча юзидан билиниб турадиган Ғайратий ҳам (1) ҳазил-мутойибага мойил, ҳам кўпни кўрган босиқ, андишали бир инсон экан. ...Ғайратий домла ширинсухан, ҳикояни ўринлатиб гапирадиган одам экан (2).* (“Ижодни англаш бахти”, 427-бет).

Портрет тасвирида физиономия билан бирга кийиниш ҳам характер ҳақида хабар беради. Юқорида бошидан иляпани қўймайдиган бирикмаси мисолида буни таъкидлаган эдик. Тилшунос Айюб Ғуломов портрети тасвирида ҳам шунга монанд ҳолат кузатилади: *Домла ҳали ёш, борган бўлса энди 30 ларга борган, лекин барваста, қомати тик, икки бети қип-қизил, сочлари тароққа бўй бермай диккайиброқ турипти. У анча-мунча башанг кийинган эди — костюм-шим янги, ҳафсала билан дазмолланган, кўйлаги қордек оппоқ, ёқасига гард юқмаган, бўйнида бежиримгина бўйинбоғ. Унинг ўзига зеб бериб кийиниши яққол сезилиб турарди* (“Ижодни англаш бахти”, 504-бет). Жўра Ҳожиметов тасвиридаги *савлатли, гавдали, иляпа, қорин сўзлари бундаги барваста, қомати тик, икки бети қип-қизил, сочлари тароққа бўй бермай диккайиброқ турибди* бирликлари билан зидланади. Ҳар икки тасвир ҳам кийиниш тасвири билан мукаммаллашади.

Адиб портрет чизишда, айтилганидек, лексик бирликларни унумли ишлатади. Хусусан, Айюб Ғуломов тасвирида аниқ маъноли, даражали муносабатнинг юқори поғоналарини эгаллайдиган бирликлардан фойдаланади. Масалан, *барваста, тик, қип-қизил, диккаймоқ, янги, қордек оппоқ, гард юқмаган, бежиримгина* каби. Синтактик троплар ҳам унумли қўлланган: *қордек оппоқ, гард юқмаган*.

Тасвирда кўчимлар муҳим аҳамият касб этади. Олим устози Солиҳ Қосимов ҳақида сўз юритар экан, “*жиккаккина, қорамағиз, чувак юзли, ўткир қирра бурунли*” таърифини келтиради. Бунда *қорамағиз, ўткир* сўзларини кўчма маънода ишлатади. *Қорамағиз* сўзи шахснинг рангига нисбатан ишлатилган бўлиб, бу функцияда узурал қўлланишга эга. Бироқ метафорик кўчма маъноли *ўткир* сўзи шундай ҳам буруннинг тик шаклини ифодалайдиган *қирра* сўзининг маъносини бўрттириш вазифасини бажарган. Бунда *қиррабурун* сўзининг ўзини ишлатиши ҳам мумкин эди. Шоир Ҳусниддин Шарипов портретига бағишланган нутқда “*хипчагина, қиррабурун, ҳазил-мутойибага мойил*” сифатини ишлатар экан, *қиррабурун* сўзи билан кифояланади.

Адиб айрим портретларни чизишда динамик ҳолат натижасидаги белгиларни таъкидлайди. Масалан, адабиётшунос Иброҳим Ғафуров ҳақидаги тасвирда буни кўриш мумкин: *Унинг сочларидаги оқлар кўнайиброқ қолибди, пешонасидаги ажинлар жиндай чуқурлашибди, ҳамшиша ўйчан боқадиган кўзларидаги маънодорлик ортибди* (“Ижодни англаш бахти”, 556-бет.). Тасвирда эҳтиётлик билан қўлланган бирликларни ҳам кузатиш мумкин: *кўнайиброқ қолибди, жиндай чуқурлашибди*. Бунда адибнинг тасвир

объектини ифодаловчи бирликларга прагматик муносабати яққол кўзга ташланади: адиб дўстининг кексайганлигини “тан олгиси келмайди”.

Моҳир муаллиф портретни нафақат матннинг бир жойидагина беради, балки уни бутун матн бўйлаб сочиб ҳам юборади. Шу боисдан тадқиқотчилар портрет тасвирида йиғма ва ёйма тасвир билан бирга сочма тасвирни ҳам ажратишлари мақсадга мувофиқ. Бунинг ёрқин намунасини тил илмининг дарғаси Айюб Ғуломов портрети тасвирида кузатамиз. Масалан, олимга бағишланган эссе матнининг ибтидосида унинг ташқи кўринишини батафсил тасвирлайди, лекин матн сўнггида *оқ қозғозга ўралган бўрни қўлга олиши* бирикмаси олдинги тасвирни тўлдирувчи фактор сифатида намоён бўлган.

Публицист қалами шахснинг ички дунёсини “чизиш”да эсседаги мантик йўналишига бўйсунди. Адиб ташқи тасвирга нисбатан ички, яъни маънавий қиёфа тасвирида маҳоратини бор бўйи билан намоёниш қилади. Аслида эсседан мақсад ҳам шу. Тасвир жараёнида адиб сўзларни танлаб-танлаб, чертиб-чертиб “ишга” солади. Ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, ҳар бир мақол бевосита ёки билвосита, портрет тасвиридагидан фарқли ўлароқ, ички тасвир учун хизмат қилади. Масалан, адибнинг “Йўлбошчи” мақоласидаги тасодифий бир сўзни олиб, унинг мақола баён объекти бўлган Президент Ислон Каримов маънавий қиёфаси тасвирига хизмат қилишини кузатайлик: *Эҳтимол, сиз – азиз ўқувчим, ана барқарорлик ўрнатилди, энди бу ёғига бемалол яна роҳат қилса ҳам бўлаверади, деб ўйларсиз?”* (“Довондаги ўйлар”, 4-бет). Бундаги *барқарорлик* сўзи билвосита Президент маънавий қиёфасига хос чизгиларни тўлдиради. Матннинг олдинги ўринларидаги Ислон Каримов шахси тавсифида қўлланган *ирода, қатъият, донолик, жасоратли, гайрат* сўзларининг маъносини тўлдирувчи, мустаҳкамловчи восита сифатида намоён бўлган. Шунингдек, *тинимсиз меҳнат, тинимсиз изланиш, тунги тонгга уланиб кетган кечалар* бирикмалари ҳам *қатъият, гайрат* сўзлари билан бир мавзу доирасида тасвир уйғунлиги учун хизмат қилган. Баъзан бутунча бир хатбоши олдинги бир сўзнинг изоҳловчиси сифатида ҳаракат қилади.

Демак, маълум бўладики, тасвир матнида изчиллик ва узвийлик тамойили унда ядро, марказ, қуршов компонентларини ажратишни тақозо қилади. Шахснинг асосий сифатларини бевосита бирликлар яхлитликда ядро, уни бевосита тўлдирувчи, тавсифловчи бирликлар марказ, ядрога билвосита боғланувчи бирликлар қуршов бирликлари ҳисобланади.

Тасвир матнида шундай сўзлар ҳам борки, улар тасвир учун бетараф бўлиб, матннинг структур яхлитлиги учун хизмат қилади. Юқоридаги матнда ёрдамчи сўзлар, боғламалар, морфологик шакллар шундай восита ҳисобланади. Бу тасвирий матндаги чекка воситалар сифатида баҳоланиши лозим.

Адиб публицистик асарлари тўпламидаги мақолалар ва эсселар шахс тасвири нуқтаи назаридан иккига бўлинади: а) бевосита шахс тасвири берилган мақолалар ва эсселар; б) билвосита шахс тасвири берилган мақолалар ва эсселар.

Бевосита ва билвосита шахс тасвири ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, “Йўлбошчи”, “Тил илмининг дарғаси” каби мақола ва эсселар бевосита шахс тавсифига бағишланган бўлиб, матндаги бошқа тасвир, ривоя ва ҳикоя нутқлари ана шу шахс тасвирига бўйсундирилади. Билвосита шахсни тавсифлашга бағишланган матнлар ҳам бевосита ёки билвосита марказий шахсни ёки бошқа бирор воқеа-ҳодисани тасвирлашга хизмат қилади. Масалан, “Эътиқодимни нега ўзгартирдим?” эссесидаги хўжалик раиси тасвири давр тасвирига, раис ва райком вакили тасвири эса ўзаро бир-бирининг тасвирини тўлдиришга, даврни аниқ тасвирлашга хизмат қилади.

Пейзаж нутқ тури адабиётшуносликдаги пейзаж тасвири билан объект нуқтаи назаридан умумийлик касб этса-да, тадқиқ нуқтаи назаридан фарқли хусусиятларга эга. Пейзаж тасвири мақсад ёки восита сифатида бўлиши мумкин. Масалан, публицист табиатнинг ўзини тасвирлашни бош мақсад қилиб қўйиши мумкин. Бунда уни бошқа бирор ҳодиса моҳиятини очишга хизмат қилдирмайди. Биз Озод Шарафиддинов публицистикасида бундай типдаги тасвир матнига дуч келмадик.

Иккинчи пейзаж тасвир матни бошқа бирор ҳодиса, шахс, воқелик ҳақидаги фикрларни тўлдириш, муайянлаштиришда восита сифатида публицистик асардан ўрин олади. Бундай табиат тасвирини умумий ва хусусий кўринишларга бўлиш мумкин. Умумий тасвирда муайян макон ва замондаги табиат кўриниши тасвирланмайди. Унда, масалан, умуман кўл, умуман тоғ, умуман адир, умуман чўл тасвирларини учратишимиз мумкин. Бундай тасвир ҳам адиб учун асосий тасвир мақсади учун восита сифатида намоён бўлади. Хусусий тасвир муайян замон ва муайян макон тасвирини беради.

Пахта якка ҳукмронлиги шароитидаги маҳзун давр бўлган йиғим-терим мавсуми тасвирланар экан, бу тасвир давр руҳи, кишилар кайфияти билан уйғунлик касб этади: *Ҳар йили талабалар пахтага — ҳашарга олиб чиқиларди. Бунга ҳамма кўникиб қолган, ҳатто ҳар йили «қачон пахтага жўнаймиз?» деб сабрсизлик билан кутадиганлар ҳам бўларди. Чунки пахтага чиқишнинг ўзига яраша нашидаси ҳам бўларди. Аммо режани бажариш кечикса, талабалар ёгин-сочинли кунларга қолиб кетса, совуқ бошланиб қолса, ёмон бўларди. Айниқса, декабрь ойига қолиб кетсак, аҳвол жуда оғирлашарди. Эрталаблар ер музлаган, баайни қаҳратон қиш, кун илигандан кейин, музлар эриб, ҳаммаёқ билч-билч лойга айланади. Оёққа ботмон-ботмон лой илашиб, юриб бўлмайди. Лекин шўрлик талабалар шунда ҳам далани тарк этишмайди, ушукдан кўкариб кетган панжаларига куҳлай-куҳлай теримда давом этадилар. Баъзан эса пахта қолмаган бўлади. Аммо раҳбарларимиз шунда ҳам даладан кетишга рухсат беришмайди* (“Довондаги ўйлар”, 69-70- бетлар). Матн кеч куздаги пахта даласи манзарасини акс эттирган. Гарчи декабрь оyi деяр тасвирланса-да, шарқ тақвимида декабрнинг биринчи ярми ҳам куз фаслига нисбат берилади. Муаллифнинг манзара тасвиридаги *баайни қаҳратон қиш* дейиши ҳам қиш эмас, балки қишга монандликни ифодалайди. Берилган тасвирнинг ўзи ҳам кишиларнинг ва шу сатрларни битаётган муаллифнинг кайфиятини яққол акс

эттиради. Матннинг олдинги ва кейинги қисмларидаги муаллиф томонидан “сараланган” қатор сўзлар ушбу тасвири тўлдиради: *ёгин-сочинли, совуқ, шўрлик, ушук, куҳлай-куҳлай* каби. Шунингдек, пейзаж тасвири билан кишиларнинг ҳолати ҳам уйғун идрок этилади: *Ҳар қадамда йўқчилик, танқислик* белгилари. *Ҳовлиларнинг қинғир-қийшиқ деворлари гуваладан, уйларнинг томига ёпилган похол қорайиб кетган, деразалар шилпиқ одамнинг кўзидай кўримсиз, пол йўқ. Одамларнинг уйи юпун, уй анжомлари ҳам гарибгина. Уй тўрида тахмон, ундаги сандиқ устига олақуроқ кўрпа-тўшаклар тахланган. Токчаларда жўмрагига қозоқ гул тиқиб қўйилган чойнак, пиёла, коса ва ликопчалар териб қўйилган. Ҳовлининг деворларига таппи ёпилган. Бир томонда оғил, унинг тепасига баланд қилиб хашак бостирилган. (“Довондаги ўйлар”, 88-бет). Кечқурун эса токнинг тагига қўйилган чорноя устида камсуқумгина дастурхон теграсида қувноқ гурунг бошланди. Қувноқ сўзи эса аввал келтирилган табиатнинг гўзал тасвири билан уйғунликка эга. Публицист баъзан пейзаж тасвир нутқида юксак бадиий тус беради. Бунда унинг бадиий тафаккури кулочлари кенг ёзилади. Кўчма маъноли, бўёқдор сўзлар экспрессив матнни ташкил қилади. Матннинг таъсирчанлиги ва жозибadorлиги кучаяди.*

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Озод Шарафиддинов публицистикаси тилининг ўзига хос хусусиятлари сирасида оддийлик, сўзлашув ва бадиий услуб уйғунлиги, ихчамлик, ифодавийлик, ҳаққонийлик, образлилик каби сифатлар устувор.

2. Озод Шарафиддинов моҳир сўз санъаткори бўлиш билан бирга, тил, тилшунослик, тил таълими, тил тарғиботчилари ва тадқиқотчилари хусусида тил ва жамият, тил ва тараққиёт, тил ва маънавият, тил ва мафкура, тил ва руҳият муштараклиги тамойиллари асосида ўз нуқтаи назарини баён қилди. Бу фикрлар бугунги кунда тил таълимида унинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қиладиган прагматик йўналиш оммалашиб, қарор топаётган бир шароитда ўта муҳим ва тил амалиёти масалаларида зарур методологик аҳамиятга молик.

3. Озод Шарафиддинов ижодида қўлланиши чегараланган, тарихий ва архаик сўзлар ўзига хос информатив-экспрессив вазифа бажарган. Адиб сўзлашув услубига хос сўзларни ўрни билан қўллаб, уларни публицистик мақсадига бўйсундиради, сўзлашувда юзага чиқмайдиган экспрессивлик бахш этади. Айрим китобий услубга хос бирликларга ҳам «сўзлашувга хос» нутқий маъно бўёғини бериб, бетараф ифода семасини кучайтиради ва лисоний иррелевант бирликларни нутқий релевантлик даражасига олиб чиқади.

4. Ижтимоий фаол публицист ижодида ўтмиш, бугун ва келажак муштарак ҳамда яхлит идрок этилганлиги, олимнинг бугунги миллий ва глобал муаммоларнинг илдизлари, ечими масаласида ўзига хос қарашлари бўлганлиги, шунингдек, давр билан ҳамоҳанг қадам ташлаганлиги сабабли ижодида эскирган сўзлар ҳам, янги кириб келган ёки янги маъно касб этган сўзлар ҳам ўзига хос публицистик мақсад ифодаси сифатида ўрни билан, адабий тил меъёрларига мувофиқ равишда қўлланган.

5. Озод Шарафиддинов публицистик асарлари лексикасида мавжуд иборалар таҳлилидан маълум бўлдики, унда сўзлашув, бадий, илмий услубга хос фразеологизмлар эркин қўлланган.

6. Ижодкор публицистик нутқида қўлланган иборалар ижобий ёки салбий бўёғи билан яққол ажралиб туради. Адиб ё ўз муносабатини, ёхуд тилга олинаётган шахс муносабатини ифодалаш мақсадида иборалардан фойдаланади. Ўзганинг воқеликка муносабатини ифодалашда ҳам ўзининг ушбу «ўзга»га муносабати намоён бўлади.

7. Адиб моҳир сўз санъаткори сифатида она тили имкониятларини яққол намоён қилувчи фразеологик бирликларнинг информатив функцияси билан бир қаторда экспрессив имкониятини ҳам зукколик билан идрок этиб, воқеликка турлича муносабатни ифодалаш учун моҳирона фойдаланади.

8. Публицист ижодида мақол ва маталлар ҳам қўлланган бўлиб, мақолларни табиатига кўра иккига бўлиш мумкин: ўз қатлам мақоллари, ўзлашма қатлам мақоллари. Ўзлашма қатлам мақоллари сирасига бошқа тилдан таржима қилиб олинган мақоллар ҳам киритилди.

9. Муаллиф инсон тасвирида тилнинг ички имкониятларидан – лексик бирликлар, иборалар, мақол ва маталлардан, морфологик шакллардан, маъно кўчириш усуллари ва турли ўхшатишлардан фойдаланади. Албатта, бунда ҳаққонийлик публицистиканинг бош тамойили сифатида етакчи ўринда турса-да, адиб ўрни билан ўзининг субъектив муносабатини билдиради. Адибнинг маҳорати инсон портретини беришда сўз қўллаш жараёнида алоҳида кўзга ташланади.

10. Публицист қалами шахснинг ички дунёсини “чизиш”да эсседаги мантиқ йўналишига бўйсунди. Адиб ташқи тасвирга нисбатан ички, яъни маънавий қиёфа тасвирида бор маҳоратини намоёниш қилади. Тасвир жараёнида адиб сўзларни танлаб-танлаб “ишга солади”. Ҳар бир сўз, ҳар бир ибора, ҳар бир мақол бевосита ёки билвосита, портрет тасвиридагидан фарқли ўлароқ, ички тасвир учун хизмат қилади.

11. Моҳир муаллиф портретни нафақат матннинг бир жойидагина беради, балки уни бутун матн бўйлаб сочиб ҳам юборади. Шу боисдан портрет тасвири талқинида йиғма ва ёйма тасвир билан бирга сочма тасвирни ҳам ажратиш мақсадга мувофиқ.

12. Озод Шарафиддинов публицистикасидаги пейзаж тасвирида умумий ва хусусий тасвирий нуткнинг қўплаб ажойиб намуналарини кузатишимиз мумкин. Умумий тасвирда муайян макон ва замондаги табиат кўриниши тасвирланмайди. Унда, умуман кўл, умуман тоғ, умуман адир, умуман чўл тасвирларини учратишимиз мумкин. Бундай тасвир ҳам адиб учун асосий тасвир мақсади учун восита сифатида намоён бўлади. Хусусий тасвир муайян замон ва муайян макон тасвирини беради. Мазкур тасвирда қўлланган тил бирликларининг барчасини муаллиф ўзининг публицистик мақсади ва эстетик ниятига юксак маҳорат билан бўйсундиради.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Хамраева Х. Устоз ҳақида эслаб. // Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар масалалари. Республика Олий ўқув юртлари аро илмий ишлар тўплами. – Тошкент, 2006. – Б. 45-46.
2. Хамраева Х. Она тилим-ифтихорим. О.Шарафиддинов. // Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанларнинг долзарб масалалари. Республика олий ўқув юртлараро илмий ишлар тўплами. - Тошкент, 2007. – Б. 6-7.
3. Хамраева Х. О.Шарафиддинов асарларидаги синтактик бирликлар. // Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. Илмий методологик ва илмий услубий журнал. - Тошкент, 2008. - №-4. – Б. 109-111.
4. Хамраева Х. Ватан ҳисси, Ватан туйғуси барча нарсадан кадрлироқдир. // Тил таълими босқичларида узвийликни таъминлашнинг илмий-амалий муаммолари. (Ўзбек тили доимий анжумани ўнинчи йиғини материаллари). - Тошкент, 2009. – Б. 268-269.
5. Хамраева Х. Устоз О.Шарафиддинов асарларини ўқиб. // Педагогик технологиялар-педагогик жараёни бошқариш омили. Илмий-услубий анжуман материаллари. - Тошкент, 2009. – Б. 208-210.
6. Сайфуллаева Р., Хамраева Х. Озод Шарафиддинов публицистикасида инсон тасвири. // Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари. Ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари ва аспирант тадқиқотчи ҳамда талабаларининг илмий анжумани материаллари. - Тошкент, 2010. – Б. 187-191.
7. Хамраева Х., Ходжанова А.О.Шарафиддинов публицистикаси тилининг ўзига хос хусусиятлари.// Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар. Илмий методологик ва илмий услубий журнал. - Тошкент, 2010. – Б. 147-150.
8. Сайфуллаева Р., Хамраева Х. О.Шарафиддинов асарлари тилининг айрим хусусиятлари ҳақида. // «Наука и новые технологии» журнали. – Бишкек, 2010. №- 1 – Б. 272-274.
9. Хамраева Х. Озод Шарафиддинов публицистикасининг тил хусусиятлари. // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. - Тошкент, 2010. №-1. – Б. 81-84.
10. Хамраева Х. О некоторых особенностях языка публицистики О.Шарафиддинова. // Алтаистика и тюркология. Международнқй центр алтаистики и тюркологии. Журнал 3-4. 2010. – Б. 77-79.
11. Хамраева Х. Озод Шарафиддинов публицистикасида қўлланган барқарор бирикмалар хусусида // Ўзбек тилшунослиги мамлакатимиз инновацион тараққиёти кўзгусида (илмий мақоллар тўплами). ЎзМУ. – Тошкент, 2011. –Б. 172-176.

**Филология фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Хамраева
Хулкар Хамидуллаевнанинг 10.02.01 – Ўзбек тили ихтисослиги бўйича
«Озод Шарафиддинов публицистикасининг тили ва услуби»
мавзусидаги диссертациясининг**

РЕЗЮМЕСИ

Таянч энг муҳим сўзлар: функционал услуб, мустақиллик даври публицистикаси, эссе, услублараро, мустақиллик дунёқараши, ихчамлилик, образлилик, ҳаққонийлик, тарғиботчи, қўлланилиши чегараланган сўзлар, ибора, мақол, инсон тасвири, пейзаж тасвири, тасвир мақсади, кўчма маъно, окказионал маъно.

Тадқиқот объекти сифатида Озод Шарафиддиновнинг “Ижодни англаш бахти” ва “Довондаги ўйлар” китобларидаги эссе ва мақолалар қамраб олинди.

Ишнинг мақсади: Озод Шарафиддинов асарлари тили ва услубининг ўзига хос томонларини тадқиқ этиш, унинг сўз қўллаш маҳоратини таҳлил қилиш ва очиқ бериш.

Тадқиқот методлари: компонент ва статистик таҳлил, тавсифлаш, қиёслаш.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: Мустақиллик даври публицистикаси тили ва услубини ўрганиш вазифа ҳамда муаммоси баён қилинди. Озод Шарафиддинов асарлари тили ва услуби хусусиятлари илк бор мустақил тадқиқот объекти сифатида тадқиқ этилган, хусусан, унинг бадиий асар тили ҳақидаги фикрларига баҳо берилган, сўз қўллаш маҳорати очилган, унинг публицистикасидаги образли ифодалар илмий тавсифланган. Тасвирий матн илмий баҳоланган.

Амалий аҳамияти: Тадқиқот Озод Шарафиддинов ижодини ўқитиш, таниқли сўз санъаткорлари идеолектини ўрганишга доир адабиётшунослик ва тилшунослик фанлари бўйича ихтисослик таълими ва танлама фанлар ташкил этиш, ижодкорнинг индивидуал услуби, нутқ маданияти ва поэтик лексика бўйича дарслик ва қўлланмалар яратиш, монография, диссертациялар ёзишда материал сифатида фойдаланишда амалий аҳамият касб этади.

Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: тадқиқот ишининг натижаларидан турли услублар тили муаммоларига бағишланган нутқ маданияти ва нотиклик ихтисослиги таълим ва танлов фанларини ўқитишда фойдаланилмоқда.

Қўлланиш соҳаси: Тадқиқот назарий ва амалий тилшунослик, филологик тадқиқотлар, лингводидактика, матннинг лисоний таҳлили, нутқ маданияти, стилистика.

РЕЗЮМЕ

диссертации Хамраевой Хулкар на тему «Язык и стиль публицистики Озода Шарафиддинова» на соискание ученой степени кандидата филологических наук по специальности 10.02.01 – узбекский язык.

Ключевые слова: функциональный стиль, публицистика Независимости, эссе, межстилевой, независимое мировоззрение, изящество, образность, правдивость, пропагандировать, слова, ограниченные в употреблении, выражение, пословица, описание человека, описание пейзажа, цель описания, переносное значение, окказиональное значение.

Объект исследования: все статьи Озода Шарафиддинова, вошедшие в его книги «Ижодни англаш бахти» и «Довондаги ўйлар».

Цель работы: раскрытие мастерства передачи мыслей публициста на основе выявленных особенностей языка и стиля его произведений.

Методы исследования: компонентный и статистический анализы, описание, сравнение.

Полученные результаты и их новизна: выявлены особенности языка и стиля Озода Шарафиддинова и впервые в узбекском языкознании осуществлен их лингвистический анализ; раскрыто мастерство публициста в использовании слов в переносном значении, лингво-стилистические особенности индивидуального стиля; дана оценка высказываниям автора о языке художественного произведения, научно охарактеризованы образные выражения, использованные в публицистике.

Практическая значимость: теоретические и практические материалы исследования могут быть использованы при изучении творчества Озода Шарафиддинова, в создании учебных дисциплин по литературоведению и языкознанию, а также учебников и учебных пособий, монографий и диссертаций.

Степень выедрения и экономическая эффективность: результаты и материалы исследования использованы в преподавании предметов «Основы культура речи», «Лингвистический анализ текста», «Стилистика».

Область применения: теоретическое и прикладное языкознание, филологические исследования, лингводидактика, лингвистический анализ текста, основы культура речи, стилистика.

RESUME

Thesis of Xamraeva Khulkar Xamidullaevna on the scientific degree competition of the Doctor of Philosophy in Philology, speciality 10.02.01 - Uzbek language, on the subject “The style and language of Ozod Sharafiddinov’s publicism”.

Key words: functional style, publicism of independence period, essay, interstyle, out look of independence period, fiction, image, truth, propagandist, words which are limited in using, phrase, proverb, description of man, description of landscape, the aim of description, figurative meaning , occasional meaning.

Subject of research. Essays and articles are taken from the books “Ijodni anglash baxti” and “Dovondagi o’ylar” by O. Sharafiddinov.

Purpose of work: to investigate the peculiarities of the language and style of O.Sharafiddinov’s works, to analyze and reveal his skills of using words.

Methods of research: component, and statistic analysis, classification, comparative methods

The results obtained and their novelty: The peculiarities of the language and style of O.Sharafiddinov are revealed and they have been investigated for the first time in Uzbek linguistics as an independent research subject. It is scientifically evaluated the skills of publicist on using words in a figurative meaning and his speech.

Practical value: Theoretical and practical materials of the research can be used in studying works of O.Sharafiddinov in preparing training materials on literature and linguistics as well as textbooks and training aids, monographs and dissertations.

Degree of embed and economic effectiveness: The results and materials of the research may be used in teaching subjects such as “Culture of speech”, “Linguistic analysis of texts”, ” The science of style”.

Field of application: theoretical and practical linguistics, philological investigations, linguadidactics, linguistic analysis of the texts, culture of speech, the science of style